Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
1 февраль
ШАНБА
№ 10 (13271)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш орқали мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш ҳамда болаларнинг мактабгача таълими билан кенгроқ қамраб олинишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2018-2019 йилларда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтларидан эквиваленти **200,0 миллион** АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар жалб қилинганлиги;

мазкур кредитлар ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва хусусий шериклар ўртасида **140,1 минг** ўринли нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун имзоланган **1 412 та** давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлардан (кейинги ўринларда – битимлар) **992 таси** бўйича **имтиёзли кредитлар молиялаштирилганлиги;**

420 та битимларнинг **100 дан** ортиғи бўйича хусусий шериклар томонидан нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш (кейинги ўринларда – мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш) ишлари ҳажми **25 ва ундан ортиқ фоизи бажарилганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш дастурини давом эттириш мақсадида белгиланган тартибда **тузилган битимлар бўйича кредитларни молиялаштириш учун тижорат банкларига қўшимча маблағлар ажратиш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 декабрга қадар мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ишлари **25 фоиздан кам бўлмаган ҳажмда бажарилган битимлар бўйича** кредитларни молиялаштириш учун зарур бўлган **182 миллиард** сўм маблағлар Молия вазирлиги томонидан 2020 йил учун Давлат бюджетида Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича харажатлар учун назарда тутилган маблағлар доирасида **2020 йил 1 мартга қадар ажратилади**. Бунда кредитлар **15 йил** муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **1 фоизли** ставка бўйича берилади;

б) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда тузилган **300 дан** ортиқ битимлар бўйича кредитлар:

Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятларнинг маъмурий марказлари ҳамда 1-иловада келтирилган вилоят бўйсунувидаги шаҳарларда – 15 йил муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **12 фоиз** ставка бўйича;

туманларнинг маъмурий марказларида – 15 йил муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **8 фоиз** ставка бўйича;

туманларнинг бошқа ҳудудларида – 15 йил муддатга, шу жумладан, **3 йиллик** имтиёзли давр билан йиллик **5 фоиз** ставка бўйича берилади;

2020 йилда халқаро молия институтларидан ушбу мақсадлар учун жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молиялаштирилади;

в) **2021 йил ва келгуси йилларда** тузиладиган битимлар бўйича кредитлар:

тижорат банклари томонидан мустақил белгиланадиган фоиз ставкаларида берилади;

халқаро молия институтларидан жалб этиладиган имтиёзли кредитлар (қарзлар), шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан молиялаштирилади;

г) 2018-2019 йилларда белгиланган тартибда имзоланиб, молиялаштирилмаган ҳамда келгуси йилларда тузиладиган битимлар бўйича кредитлар ушбу битимларда назарда тутилган **хусусий шерикнинг ўз маблағлари ҳисобидан бажарилиши (сотиб олиниши) лозим бўлган ишлар (товарлар) тўлиқ амалга оширилганидан сўнг**, тижорат банклари томонидан молиялаштирилади.

Давоми 2-бетда

Аввал хабар қилганимиздек, Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ, иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни вилоят ҳокими, сенатор Рустам Холматов бошқарди.

Вилоят ҳокими сессия муқаддимасида қайд этганидек, январь ойининг охирги ўн кунлиги мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида жуда муҳим воқеаларга бой тарзда кечди. Таъбир жоиз бўлса, бу кунларни мамлакатимиз ва бутун халқимиз ҳаётида алоҳида бир тарихий жараёнлар, деб аташ мумкин.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг янги таркибдаги йиғилишларида ва Парламентнинг қўшма мажлисида ниҳоятда аҳамиятли маърузалар билан иштирок этиб, янги сайланган Парламент олдида, шунингдек, Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари зиммасида турган долзарб вазифалар ва устувор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб берди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 январь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ўз қўлами ва аҳамияти билан бутун халқимизнинг янги тараққиёт йўлидаги энг муҳим ва ҳаётий дастуриламалига айланди.

Бугун, сиз, ҳурматли депутатларимиз ва вилоятимиз фаоллари иштирокида мана шу тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатда илгари сурилган фикрлар, таклиф ва ташаббуслар, олдимизга қўйилган вазифа ва йўналишлар бўйича атрофлича, чин дилдан фикр алмашиб, маслаҳатлашиб олишимиз зиммамизга юкланган вазифаларни бекаму кўст бажаришимизда ҳар тарафлама фойдали бўлади, деб қайд этди вилоят раҳбари.

Ишчан ва амалий руҳда ўтган сессия кун тартибига мувофиқ, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ 10 та муҳим масала кўриб чиқилди.

Депутатлар бир қатор соҳа ва тармоқ раҳбарларининг ўтган йил якунлари бўйича амалга оширилган ишлари юзасидан ҳисоботларини тинглаб, муҳокама қилдилар. Хусусан, вилоят прокурори Салом Самадов, вилоят ИИББ бошлиғи Тоҳир Арипов вилоят ҳудудида қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ахборот берди. Шунингдек, жиноят, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари раислари ҳам ўз йиллик фаолиятларининг муҳим жиҳатлари хусусида йиғилиш иштирокчиларини хабардор қилдилар.

Муҳокамаларда сўзга чиққанлар вилоятда қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчилик, коррупция иллатларига батамом барҳам бериш, одил судловни тўла жорий этиш масалалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, суд мажлисларида ОАВ ходимларининг иштироки, журналистлар билан фаол ҳамкорлик қилиш бўйича реал ҳолат танқидий таҳлил қилинди ҳамда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарурати қайд этилди.

Сессия вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Актам Муҳаммадиевнинг ҳисоботини тинглади. Нотиқ ўз сўзида мавжуд муаммо ва камчиликлар ҳақида тўхталар экан, айниқса, ҳуқуқшунос кадрлар етишмовчилиги, айрим ташкилотларда юрист лавозими вакант қолаётганини, бу эса, тизимли муаммоларни келтириб чиқараётганини алоҳида урғулади.

Шунингдек, вилоят молия бош бошқармаси бошлиғи Фурқат Худойбердиев 2019 йилги бюджет ижроси бўйича депутатлар ҳузурида ахборот берди.

Кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Иккинчи сектор минбари

Тошкент вилояти прокуратураси органлари томонидан ўтган 2019 йилда жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

ЮТУҚЛАРГА МАҲЛИЁ БЎЛМАСДАН, КАМЧИЛИКЛАР УСТИДА ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, қонунлар ижроси устидан 6 минг 656 та прокурор назорати ҳужжати қўлланилиб, 5 минг 106 нафар жисмоний ва юридик шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Протест келтириш йўли билан мансабдор шахсларнинг 2 минг 74 та қонунга зид ҳужжати қонун талабларига мослаштирилди. Қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича 1 минг 669 та тақдимнома киритилиб, 419 нафар мансабдор шахс огоҳлантирилди ҳамда 2 минг 606 нафари интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар манфаатида судларга 24 млрд. сўмлик 831 та ариза киритилди, етказилган 1,7 млрд. сўм зарар ихтиёрий ундирилди. Кўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 216 та жиноят иши қўзғатилди. Жиноятларни тергов қилиш давомида аниқланган зарарларнинг 48,8 млрд. сўми ёки 81 фоизи ундириб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги "Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ҳам муайян ишлар бажарилди.

Хусусан, прокурорлар секторидаги мавжуд 160 минг 42 та хонадонда ўрганишлар олиб борилди. Бу жараёнда 6 минг 664 та шахсий муаммо аниқланиб, улардан 6 мингги (90 фоизи) бартараф этилди. Бундан ташқари, 1 минг 227 та кам таъминланган оиланинг 1 минг 2 нафар аъзосини ишга жойлаштириш, кредит ажратиш, тадбиркорликка жалб этиш орқали бандлиги таъминланди.

Қолаверса, Бош прокуратура ташаббуси билан Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон ва Бекобод туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур ҳудудлардаги биноларнинг фасад қисми, савдо расталари, бекат ва бошқа объектлар замонавий шаклга келтирилди, китоб дўкони, савдо шахобчалари қурилди, йўлаклар атрофи ободонлаштирилиб, истироҳат боғи, болалар ўйингоҳлари ташкил этилди. Масалан, Оҳангарон туманининг чекка, ижтимоий-иқтисодий ва коммунал шароити оғир бўлган Янги ҳаёт, Эйвалек, Тошсой ва Шоштепа қишлоқлари танлаб олиниб, бу ерлар кўркам ва обод масканга айлантирилмоқда.

Маълумки, табиатни асрабавайлаш, уни муҳофаза қилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу сабабдан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни асрашга қаратилган қонунлар ижроси алоҳида назоратга олиниб, қонунбузарларга нисбатан кескин чоралар кўрилди.

Давоми 3-бетда

Кичик бизнесдан КАТТА ФОЙДА

Кичик бизнесга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш орқали вилоятимизнинг туман ва шаҳарларида замонавий корхоналар ишга тушмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Мансур ХИММАТОВ олган суратлар

Қуйи Чирчиқ туманида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Shoy-Meng business" МЧЖ ўз фаолиятини бошлаганига кўп бўлмади. Шунга қарамай, сўнгги бир неча ой ичида корхонада тикилиш услублари билан ажралиб турадиган турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Юмшоқ ва қулай маҳсулотлар хорижлик харидорларда катта қизиқиш уйғотди. Юз миллион сўмлик кийим-кечакларнинг деярли барчаси Россия Федерациясига экспорт қилинди.

– Келгусида пахта матоси ва жундан шарфлар тўқишни йўлга қўймоқчимиз, – дейди корхона раҳбари Фахриддин Юсупов. – Хитойда ишлаб чиқарилган тикув дастгоҳлари харид қилдик. Улар ишлатишда қулай, асосийси, иш жараёнида ипларни қирқиш, автоматик боғлаб қўйиш ва керакли чокка ўтказиш мумкин.

Айни пайтда Беруний фуқаролар йиғинида яшовчи 110 нафар йигит-қиз корхонага ишга жойлашди. Ишлаб чиқариш қуввати ошгач, бу кўрсаткич 160 кишига етади.

– Бу ерда ишлаётганимдан мамнунман, – дейди ёш тикувчи Зумрад Ярлакапова. – Анча вақт уйда ўтириб қолгандим. Ҳозир аҳил жамоада ўзим ёқтирган иш билан машғулман.

Тез орада корхона раҳбарияти кенг турдаги пойабзаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бу яна 50 кишини доимий иш билан таъминлашга имкон беради.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Айни дамда бутун дунёда глобал иллат сифатида баҳоланаётган коррупция муаммоси бизнинг жамият учун, айниқса, бегона эмас. Коррупция – вайронкор куч, унинг оқибатида миллий иқтисодиётга путур етади, ижтимоий тенгсизлик чуқурлашади, ҳокимиятга ишонч йўқолади, жамиятда муҳит бузилади.

ҲАЛОЛЛИК ҲИКМАТИ СИНГМАСА, коррупция иллати синмайди

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, агар давлат органлари ўртасида коррупция ривожланиб, бунга қарши ўз вақтида кескин чоралар кўрилмаса, мазкур давлат қанчалик ерости ва усти бойликларига эга бўлмасин, охир-оқибат нафақат иқтисодий, балки сиёсий инқирозга йўлиқиши табиийдир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида "Афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Давоми 2-бетда

ЗУЛМАТДА ҚОЛ(АЁТ)ГАН ЗИЁ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 15 январдаги сонида "Кутубхоналаримиз: Қодирийдан бугунгача", шунингдек, 18 январдаги сонида чоп этилган "Гўшт яхшими, китобми?" сарлавҳали мақолаларни ўқиб, очиғи, этим жунжикди. Негадир кутубхоналарга, китобхонларга, айниқса, китобларга қайғурдим.

Акс-садо

Онамнинг оналари – бувимни кўргани борсам, ёнларидан бир қадам ҳам жилолмай қоламан. Бунинг боиси бувимнинг дона-дона дурдек ипга тизилган ширинсухан сўзларими ёки жавон-жавон китобларими ёхуд кекса кишига тингловчи кераклигими, билмадим. Ҳар борганимда суҳбатимиз узо-о-оқ чўзилади, жуда узоқ.

Бир гал ёшлик йилларини хотирлаганда:

– Уйимизнинг ёнида каттакон кутубхона бўларди, – дедилар бувим. – Вақт топдик дегунча Саломат дугонам билан кутубхонага чопардик. Кўплар уйларига олиб кетиб ўқишарди китобларни. Биз кутубхонанинг ўзида ўқирдик. Кутубхонада ўқиган бошқачада. Икковимиз ким кўп ўқишга

мусобақа ўйнардик. Аммо, Саломат кўп ўқирдида, доим ютарди. Унинг шу ҳолига профессор бўлмаганига ҳайрон қолардим. Спарк бергич манави конкурс бору, агар ўшанда Саломат қатнашганда, учта Спаркниям ўзи оларди, рахмати... Шкафдаги китобларни ўша кутубхона ёпилганда обкелганман. Йўқса, булар ҳам қолганларидек йўқолиб кетармиди?! Эсиз, шунча китоба...

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Белгилаб қўйилсинки мазкур қарорнинг:

3-банди "а" кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан тўланадиган фоизлар хизмат кўрсатувчи тижорат банкида **тўлиқ қолдирилади**;

3-банди "б" кичик бандида кўзда тутилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан тўланадиган **фоиз ставкасининг 2 фоизи** хизмат кўрсатувчи тижорат банкида қолдирилади, қолган қисми Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига ўтказилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йилларда давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини (қарзларини) жалб қилиш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил қилинадиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини устувор тартибда **Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар, шунингдек, вилоят ва туманларнинг маъмурий марказларида** ташкил этилишига эътибор қаратсин;

ҳудудларда мавжуд мактабгача таълим ташкилотларининг қуввати ва қамровини ўрганиб чиқсин ҳамда унда яшаётган аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда янги ва фаолият юритаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларнинг **қўшимча ўринларга бўлган эҳтиёжини** аниқласин;

2020 йил ва келгуси йилларда битимларнинг фақатгина халқаро молия институтларидан жалб қилинган кредитлар (қарзлар) ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш учун аввал ажратилган кредитлар бўйича хусусий шерик томонидан қайтариладиган асосий қарзлар ҳисобидан **махсус очилган шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағлар доирасида** тузилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хусусий шерикларга берилган кредитлар ҳамда мактабгача таълим ташкилотларига ажратилган бюджет субсидиялари мақсадли ва самарали ишлатилиши бўйича доимий мониторингни йўлга қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги "Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3651-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарор ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров – мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминласин, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири А. В. Шин – шаклланган маблағлар доирасида битимларни ўз вақтида тузиш ва амалга ошириш бўйича барча зарур чораларни кўрсин, хусусий шерикларга имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашсин, тадбиркорлик субъектлари томонидан битим талаблари бажарилиши устидан доимий мониторингни йўлга қўйсин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари – мактабгача таълим соҳасида хусусий шерикликни ривожлантиришга қаратилган зарур шарт-шароитларни яратиш, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А. Д. Ҳаджаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори – мазкур қарорнинг мазмунмоҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 30 январь

Бошланиши 1-бетда

Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди", – деб таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари кенг жамоатчилигимиз, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барчани инсон қалбини камситадиган ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантирадиган иллат – коррупцияга қарши курашга чақирди. Энг аввало, кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг ривожланишига ва иқтисодий ўсишга ғов эканлигини сингдиришни вазифа қилиб қўйди.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишнинг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишларни бир таҳ-

ҲАЛОЛЛИК ҲИКМАТИ СИНГМАСА, коррупция иллати синмайди

лил қиладиган бўлсак, ҳолат шуни кўрсатмоқдаки, коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими яратилганини кўрамиз. Коррупциянинг олдини олишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда охирги йилларда амалга оширилган ҳуқуқий ислоҳотлар бунинг яққол далилидир. 2017 йил 3 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни бу борада олиб борилган ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қонунни ҳаётга чуқур татбиқ этишга қаратилган фармон ва қарорлари бу борада мукаммал ижро механизмини шакллантириб берди.

Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 3-боби "Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" деб номланган бўлиб, унда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чора-тадбирларини кўриши; давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўриши; таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб бориши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, жойларда, корхона ва ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш борасида қатор давра суҳбатлари, семинар-тренинглар, учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Ўз тизимидаги ходимларнинг малакасини ошириш курсларида ҳам ушбу мавзуда машғулотларни мунтазам ташкил этиб, уларнинг бу борада ҳуқуқий саводхонлигини ошириб келаётган соҳа раҳбарлари йўқ эмас. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-

Бошланиши 1-бетда

моҳиятини тушунтиришга қаратилган ахборот маълумотлари, плакатлар, буклетлар, видеороликлар тайёрланиб, кенг жамоатчиликка тарқатилмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, коррупцияга қарши курашишда энг самарали йўллардан бири бу – жамоатчиликнинг муносабати ҳисобланади. Коррупцияга қарши курашишда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаоллигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш лозим бўлади. Лекин, ушбу курашда жамоатчиликнинг роли масаласида бир оз оқсаб турганимиз сир эмас. Агар жамоатчилик кўриб кўрмасликка олса, жамиятда иллатлар урчиб бораверади. Давлат барча чораларни кўриб

турган бир пайтда жамоатчиликнинг бефарқ туриши мумкин эмас. Шу боис, аввало, жамоатчиликнинг бефарқлигини йўқотиш лозим.

Хулоса шуки, агар давлат ва ҳукумат коррупцияга қарши курашни бугунгидек қатъиятла изчил ташкил эта олса, агар халқ давлатни "ўзимники" деб билса, коррупцияга тоқат қила олмайди ва бу саъй-ҳаракатлар, албатта, самара бериши муқаррар. Президентимиз Мурожаатномада қайд этганидек, коррупцияга қарши курашиш бўйича янги тизим жорий қилинса, коррупцияга қарши курашиш бўйича Парламент ва Президентга бўйсунадиган алоҳида давлат органи яратилса, бу албатта, ўз самарасини беради. Зотан, коррупцияни таг-томири билан қўпориб ташлашга фақат давлат ва ҳукуматнинг кучи билангина эришиб бўлмайди. Инсонларда ҳалол яшаш тушунчасини ҳаёт тарзига айлантириш керак. Чунки, ҳалоллик йўқ жойда коррупция илдиз отаверади. Шу боис, мазкур ижтимоий иллатга қарши бутун жамият, барча фуқаролар оёққа турмоғи даркор. Ва яна, коррупцияга қарши кураш ҳозиргидек мутлақо ошкора олиб борилиши шарт. Акс ҳолда у самара бермайди, ҳамжиҳатлик бой берилади ва коррупциянинг ўзак томири қирқилмай қолаверади.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси, юридик фанлар номзоди

Янгийўл томонларда

Янгийўл шаҳар ҳокимлигида раҳбар ва ёшлар учрашуви ўтказилди. Унда шаҳар ҳокими Ф. Мирзаев 300 га яқин уюшмаган ёшлар билан самимий, очиқ мулоқотда бўлди.

ҲОКИМ ЁШЛАРГА ВАЪДА БЕРДИ

Учрашувда шаҳардаги 15 та маҳаллада истиқомат қилувчи ёшлар ўзларини қийнаётган муаммолар хусусида мурожаат қилишди.

20 ёшли Мадина Абдуллаева ўз уйида тикувчилик корхонаси очишни исташини, аммо банкдан кредит олиш йўлларини билмаслигини айтди. Ҳоким ва мутасаддилар Мадинага банкдан кредит олиш ҳамда ўзининг оилавий корхонасини очиши учун керакли ёрдамни беришларини маълум қилишди.

Галия Сайчова эса болалар уйида тарбия топган. Уни ҳозирда ишсизлик ва уйсизлик қийнамоқда. Шаҳар ҳокими Галияни зудлик билан ишга жойлаштириш ҳақида тегишли органларга топшириқ берди. Ишга жойлашгач, унга уй ҳам ажратилади.

Отабек Бозорбоев – 2-гуруҳ ногирони. Айни пайтда у яшаётган уй таъмирга муҳтож. Отабек банкдан уйини таъмирлаш учун кредит сўраган, аммо кредит берилмаган. Унинг уйини кредитсиз, шаҳар ҳокимлиги ва ҳомийлар ёрдамида таъмирлаб берилиши ваъда қилинди.

Учрашувда мутахассислиги бўйича иш қидириб юрган ёшлар ҳам бор эди. Жумладан, Шерзод Хаитов олий маълумотли иқтисодчи, аммо иш тополмаётган эди. У ҳам шаҳар бандлик бўлимига ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, тадбир доирасида бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

Янгийўл шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

Оилани улуғлаш: ХАЛҚИМИЗГА ХОС ФАЗИЛАТ

Янгийўл туманида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан "Жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари билан ҳамкорликдаги фаолиятни тизимли ташкил этиш" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Рустам Холматов, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова, маҳалла фаоллари ҳамда бир қатор бошқа ташкилот вакиллари иштирок этди.

Учрашувда оилани улуғлаш, она ва бола саломатлиги, ёш қизларни ҳаётга тайёрлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида узлуксиз иш олиб бориш зарурлигини хусусида сўз борди.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Рустам Холматов ибратли оилаларни рағбатлантириш ҳақида тўхталиб бу борада тегишли ташкилотлар ҳамкорликда иш олиб бориши лозимлиги, ҳудудларда аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсадида аҳоли ўртасида замонавий ишбилармонлик ва бизнес кўникмаларини шакллантиришга қаратилган лойиҳаларни ишлаб чиқишда ташаббус кўрсатган аёлларни қўллаб-қувватлаш лозимлиги ҳақида кўрсатмалар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Эътибор

Бўка туманининг "Янгиобод", "Қулдироқ" маҳаллаларидаги 5 мингга яқин аҳолига хизмат кўрсатувчи врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Капитал реконструкция қилинган қишлоқ врачлик пункти барча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

БЎКАДА ЯНА БИР ТИББИЁТ МАСКАНИ

– Қишлоқ врачлик пунктимизда умумий амалиёт шифокори, лаборант, доя, гинеколог, 7 нафар патронаж ҳамширалар аҳолига малакали хизмат кўрсатади, – дейди мудира Гулчеҳра Тожибоева. – Муассасамиз ходимлари аҳоли ўртасида репродуктив саломатлик, касалликлар профилактикаси, соғлом оила ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тушунтириш ишларини олиб боришмоқда.

– Яқингача оддий қон таҳлили учун ҳам туман марказига борардик, – дейди меҳнат фахрийси Рашид ота Раззоқов. – Бугун бир гуруҳ фахрийлар билан замонавий қиёфага кирган қишлоқ врачлик пункти билан танишиб чиқдик. Бу ерда бемалол ётиб, кундуз куни дори-дармонлар қабул қилиш учун иккита хона ҳам ажратилибди. Маҳалладошларимизга хизмат кўрсатишга бел боғлаган тиббиёт ходимларининг ишларига омад тилаб, дуо қилдик.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА

«ОЛТИНТЕПА»ДА ҚУЛУПНАЙ ПИШДИ

Зангиота туманидаги кўп тармоқли "Олтинтепа" фермер хўжалигида 15 киши меҳнат қилади. Хўжаликда чорвачилик, паррандачилик ривожланган, шунингдек, турли сабзавот ва мевалар ҳам етиштирилади.

Тадбиркорлик

Хўжалик раҳбари, туман кенгаши депутати Бахтиёр Эркабоев укаси Илҳомжон ва синглиси Раъногон билан барча ишларни замонавий технологияларга таянган ҳолда юритишади.

Фермер хўжалигига қарашли икки гектар майдонда жойлашган иссиқхонага кирганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда замонавий томчилатиб суғориш йўли билан қулупнайнинг "Ширин Чарли" нави етиштирилмоқда.

– С витаминига тўйинган бу навнинг таъми жуда мазали, – дейди хўжалик ишчиси Акбар Муҳсимов. – Шунингдек, бу нав ташқи касалликларга чидамли бўлиб, мўътадил ҳароратда яхши парваришланса, мўл ҳосил беради. Кўриб турибсиз, ҳозир ҳам ҳосилимиз чакки эмас. Қишнинг чилласи бўлишига қарамай, қулупнайларимизни бозор расталарига пешма-пеш етказиб турибмиз.

Хўжалик раҳбари Б. Эркабоев ҳомийлик ишларида ҳам фаол. Шунинг учун ҳам ишлари доим бароридан келади, чоғи. Яқинда "Қорасув" маҳалласига замонавий гузар қуриб берди. Бу ерда оталар чойхонаси, озиқ-овқат дўкони ва мўъжазгина қандолат цехи ҳам бор. Куни кеча тадбиркорнинг саъй-ҳаракати билан гузар ёнида автомобилларга сервис хизмати кўрсатувчи шахобча ҳам ишга тушди.

К. САЛОМОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

ЮТУҚЛАРГА МАҲЛИЁ БЎЛМАСДАН, КАМЧИЛИКЛАР УСТИДА ИШЛАШИМИЗ КЕРАК

Биргина, ўтган йилда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 22 та ҳолатда 19 млрд. сўмлик қум-шағал ноқонуний қазиб олинганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди ва айбдорлар жазоланди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида қонунчилик ижроси юзасидан назорат тадбирлари ўтказилганда қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан 59 та тақдимнома киритилиб, 37 та қонунга зид ҳужжатлар протест келтириш йўли билан бекор қилинди, 443 нафар мансабдор шахс интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилди ҳамда 38 млн. сўм зарар ихтиёрий қоплатилди.

Ўтган даврда соҳада аниқланган қўпол қонунбузилишлар юзасидан 19 та жиноят иши қўзғатилиб, 16 таси бўйича 19 нафар шахсга нисбатан жазо тайинланди, 3 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

Мисол учун, вилоят ДСЭНМ мансабдор шахслари тарафидан бир ставка ишга расмийлаштирилиши лозим бўлган 24 нафар ходимга ўриндошлик асосида 1,3 ставка иш ҳақи ҳисоблаб тўланиши натижасида давлат манфаатларига 277,8 млн. сўм зарар етказилган.

Фаолиятимиз давомида тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, тадбиркорлар, хорижий инвесторларга етказиш, коммуникация тармоқларига уланиш, бино, ер, кредит ажратиш ва бошқа масалалар ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз.

Хусусан, ўтган йилда 428 нафар тадбиркорнинг муаммоларига ижобий ечим топилиб, уларнинг 74 нафарига 2,8 млрд. сўм кредит, 17 нафарига 98,2 гектар ер ажратилди, 84 нафарининг коммуникация тармоғига уланишига кўмаклашилди, шунингдек, 256 нафарининг фаолияти тикланди. 1 минг 925 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 5 минг 155 та янги иш ўрни яратилган.

Жумладан, "Parkent Falkon" МЧЖга Паркент тумани, Қорақалпоқ массиви, Қизғалдоқ қишлоғи ҳудудидан 2,14 гектар ер майдони, янгийўллик Б. Якубжоновга "Ёшлар – келажагимиз" давлат дастури доирасида тижорат банкининг Янгийўл шаҳар филиалидан 250 млн. сўм кредит маблағи ажратилиши таъминланди.

Таъкидлаш керакки, вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳудудларда экспортёр корхоналарнинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида ишчи гуруҳ тузилган. Улар ёрдамида барча муаммолар жойида бартараф этилмоқда.

Хусусан, 14 та корхона экспорт фаолиятига қўшимча жалб қилиниб, уларга жами 379 млн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ҳамда 959 гектар ер майдони ажратилиши ва 17 та тадбиркорлик субъектига кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Масалан, Ўрта Чирчиқ туманида фаолият юритувчи "Nusrat Eksim" МЧЖга сабзавотчилик йўналишида ТошДАУ массиви ҳудудидан 44 гектар ер майдони ажратилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши ва қишлоқларни ободонлаштириш борасидаги дастурларнинг бажарилиши юзасидан қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 15 та жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, Инвестиция дастури асосида ижтимоий соҳа ва бошқа объектлар қурилиши, реконструкция қилиниши ҳамда капитал таъмирланиши ҳам назоратга олиниб, қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Жумладан, "Energo schyot" МЧЖ томонидан Ангрен шаҳридаги 18-сонли мактабгача таълим муассасаси биносини қайта таъмирлашда 798,5 млн. сўмлик ишлар қўшиб ёзилганлиги аниқланиб, айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ерларни ноқонуний ажратилиши ҳолатлари Зангиота (16 та, 26 Га), Қуйи Чирчиқ (12 та, 20 Га), Тошкент (7 та, 56 Га), Ўрта Чирчиқ (5 та, 17 Га), Оққўрғон (2 та, 0,7 Га) ва Бекобод (1 та, 18 Га) туманларида аниқланиб, прокурор протестлари асосида бекор қилинди.

Ўрганишлар жараёнида 181 та ҳолатда 98 Га. ер майдонлари ноқонуний муомаладан чиқарилганлиги ҳамда ердан фойдаланувчилар уларга ажратилган ер участкаларидан бошқа мақсадларда фойдаланишгани аниқланган.

Масалан, Тошкент туманидаги "А. Абдурахмонов мева-узум" агрофирмаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Абдуҳалил мурувват агро" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Т. фойдаланувидаги 122 қ-контурдаги балл бонитети 68 бўлган 0,74 Га. суғориладиган ер майдонини фуқароларга уй-жой қуриш учун тақсимлаб берганлиги аниқланиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан иш қўзғатилди.

Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиши ва ёшларнинг эрта турмуш қуриш сабабларини аниқлаш, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида уларни ўқишдан ташқари бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун спорт, фан, ҳунармандчилик ва бошқа тўгаракларга тўлиқ жалб қилиш чоралари кўрилаяпти.

Вилоятда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида қатор тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида умумий жиноятчилик 2,6 фоизга камайишига эришилди.

Мухтасар айтганда, вилоят прокуратурасида ўтказилган ҳайъат мажлисида 2019 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар кескин танқидий кўриб чиқилди, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Хулосада, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, камчиликлар устида жиддий ишлашимиз кераклиги аён бўлди.

Салом САМАДОВ,
Тошкент вилояти прокурори

Бошланиши 1-бетда

Халқаро шарҳ

... Йигирманчи йил дунё ҳамжамияти учун оғир келди. Бир тарафдан АҚШ ва Эрон ўртасидаги уруш, учинчи жаҳон муҳорабаси хусусидаги башоратлар, бир томонда Австралиядаги ўрмон ёнғинлари, оловда қирилиб кетган миллионлаб камёб жонзотлар, сувга ғарқ бўлиши мумкин деб жар солинган афсонавий Венеция, яна бир қарасанг Эрон томонидан уриб туширилган, бортида бир юз етмишдан ортиқ йўловчи бўлган Украина самолёти... Энди эса Хитойнинг Ухан шаҳрида 7 январь куни пневмония аломатлари билан ўзини маълум қилган ва фақат 24 январь кунигина унинг одамдан одамга юқиши мумкинлиги аниқланган nCoV – коронавирус эпидемияси.

КОРОНАВИРУС: ОФАТ ИСИРИҚНИ ТАН ОЛМАЙДИГАН

Уч кунда бутун Хитой ҳукуматини оёққа турғизган ва хавотири дунёнинг турли бурчакларига жадал ёйилган мазкур касалликнинг келиб чиқиш сабабларини ҳамма ўзича таҳлил қилди. Биров бу хитойликларнинг миллий таомлари сабаб келиб чиққан ҳасталик деса, яна биров бу хитойликларнинг баъзи айблари учун тўланаётган бож, дея тахмин қилмоқда.

Тахминлар шу қадар тармоқлаб кетдики, бу шунчаки Хитойнинг дунёни ўзига қаратиш учун ҳийласи, деган фикрлар ҳам майдонга чикди.

Айни шундай фикр-мулоҳазалар билан таниша туриб англадикки, таҳлил ва тахмин ораси бир қадам экан.

Вирус келтириб чиқарган касаллик туфайли аллақачон 100 дан ортиқ одам вафот этган. Япония, АҚШ, Канада, Австралия, Жанубий Корея, Сингапур, Таиланд ва Малайзияда ҳам вирусга чалинган беморлар кузатилгани айтилмоқда. Вирус ўчоғи бўлмиш Ухан шаҳрида зудлик билан мингта бемор сиғадиган касалхона қуриш бошлаб юборилган. Бутун дунёнинг кўзи Хитойда.

Хитойдан минглаб, хусусан, Ухан шаҳридан етмиш икки нафар ўзбек талабаси Ватанга қайтолмади. Улар айни пайтда дезинфекция жараёнини бошдан кечирашаяпти ва куни кеча маълум бўлишича, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ухан шаҳрига касалликдан ҳимояланиш учун 10 мингта юз ниқоби ва 5 мингта исириқ юборган. Исириқ – испанд, деб қўйибдилар ҳаркалай: :)

Энди воқеликка сиёсий-ижтимоий тарафдан ёндошайлик.

Америка киноакадемиясининг олий мукофоти бўлмиш Оскар тақдимоти коронавирус сабаб кечиктирилди.

Киноакадемия бу ҳақда ўз расмий сайтида шундай баёнот берган:

"Хитой Халқ Республикасида юзага келган эпидемиянинг тарқалиш сурати тезлик билан кенгайиб бормоқда. Биз айни дамда Европа ва Осиёдан экспертлар чақира олмаймиз. Соғлиқни сақлаш қаттиқ эҳтиёткорлик талаб қилади".

Бунга жавобан сайт фойдаланувчилари "Яхшики Нобель мукофоти эртароқ берилган экан" қабилида изоҳлар қолдиришган.

Баъзи манбаларга кўра, коронавирус учун махсус вакцина франциялик олимлар томонидан яратиб бўлинган, бироқ ҳали синов муддати тугамаганлиги боис тарқатилмаган. Бундан ташқари... америкалик сиёсий таҳлилчилар ушбу касаллик воситасида Хитой ўз демографиясини тартибга солиш илинжида бўлиши ҳам мумкин, деган хулосага ҳам келишган.

Хўш, коронавирусга биздаги муносабат қандай?

Агар ижтимоий тармоқларга назар ташлайдиган бўлсак, бизда муносабатлар ўта ранг-баранглигига гувоҳ бўламиз. Хусусан, баъзи фойдаланувчилар касаллик мавзусига юмор билан, баъзилар илмий жиҳатдан, кимлардир эса диний қарашлар орқали ўз муносабатларини баён этишга улгуришган.

Коронавирус хитойликларга жазомикан? Келинг, биз ҳам ўзимиздан келиб чиқиб мулоҳаза юритайлик.

Хитой бугунги кунда АҚШ ва Россия қаторида дунёнинг энг қудратли мамлакатларидан бири саналади. Улкан мамлакатларнинг муаммолари ҳам улкан бўлиши аниқ. Бунга мисол тариқасида Россияга тинимсиз ёғаётган санкциялар ёмғирини ва Американинг Узоқ Шарқ мамлакатлари билан таранглашаётган муносабатларини келтириб ўтиш кифоя. Шу ўринда савол: коронавирус Хитой учун шу қадар катта муаммомиди?

Японияник бир дўстимиз билан орамизда шундай суҳбат бўлиб ўтганди:

– Мана, сиз японлар ўз ақлзаковатингиз билан дунёга машҳурсизлар.

– Хўш?

– Лекин нега шунча билим билан денгиздаги цунамини, зилзилаларни тўхтатиб қоладиган қурилмалар яратмагансизлар?

– Цунамини тўхтатиб қолиш? Бу ҳақида кўп бош қотирилган, аммо иложи йўқ деб топилган. Биз, ҳатто, супер мияга эга бўлган тақдиримизда ҳам табиатнинг кичик бир ҳодисаси сабаб йўқ бўлиб кетишимиз мумкинлигини биламиз. Зилзилаларнику айтмай қўяқолай.

Хуллас, бори шу. Инсон заковати фақат унинг кундалик хотиржамлиги учунгина хизмат қилармикан деган ўй ҳам келади баъзан. Хитой билан ҳам шундай бўлганмикан? Нега ўз бойлиги ва ишбилармонлиги билан жаҳонга донғи кетган Конфуций авлодлари ҳатто микроскопда ҳам зўрға кўринадиган бактерияларга қарши чиқолмайди? Бу саволларга компьютер қаршисида, қаҳва симира туриб жавоб бериш мумкин эмас.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида касалликдан ҳимояловчи юз ниқобларининг бозори чаққон. Тошкент кўчаларида ҳам оғиз-бурнини ниқоблаб олган кишилар доимгидан кўп.

Шу ўринда яна Японияни эсласак.

Фейсбук фойдаланувчиси, хитой тилидан моҳир таржимон Фароғат Жабборова ўз саҳифасида шундай пост қолдирди:

"Хитой халқининг энг қийин даврида, мамлакатда юз ниқоби танқис бўлиб турган бир пайтда Японянинг Оита шаҳри Ухан учун ўз захирасидан вируслдан асровчи 30 мингта n95 юз ниқоби юборди. Ниқоб қутилари устига хитой иероглефида "Ухан олға!" деб ёзилган эди. Орадан бир кун ўтиб, 28 январь куни Токио Ухан ғарбидаги Хубей шаҳрига 20 мингта ниқоб тақдим қилди. Бу меҳрибонликдан таъсирланган хитойликлар жим тура олишмади ва интернет тармоқларида ўз изоҳларини қолдиришди: "Узоқдаги қариндошдан, яқиндаги қўшни яхши!" "Жуда таъсирландим", "Раҳмат Япония!" Бу янгиликларни ўқирканман мен ҳам жуда мутаассир бўлдим. Чунки, Хитой ва Япония орасидаги ички нафрат унча-мунча эмаслиги, бу адоват Хитойда тўғри келган япон машиналарини синдирилишигача олиб келганига гувоҳ бўлгандим. Ҳозирги бизнинг тармоқлардаги кўпгина постларни ўқиб шуни истардимки, Хитой тезроқ бу қийинчиликни енгиб ўтсин! (Чунки, жуда кам сонли баъзи одамларнинг қилмишига бутун мамлакат азият чекмоқда, қолаверса, бу фақат Хитойга эмас одамзотга келган кўргулик.) Ва нимаики бўлмасин, бизга ҳам очиқ кўз ва японияликларнинг қалбини берсин!"

Албатта, касаллик ҳақида кўп маълумот беролганимиз йўқ, негаки камина бу соҳада мутахассис эмас, бироқ бир нарсани айтиш мумкин: кўргулик бирлаштиради! Бутун башарият бир занжирга боғланган. Хитойликлар учун, Хитойдаги ватандошлар учун бу ҳам бир синов. Тилаймизки, бу синовдан башарият безиён чиқсин.

Мирзоҳид МУЗАФФАР,
"Тошкент ҳақиқати" шарҳловчиси

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 1 февраль куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларда туман тушиши мумкин. Қор кўчиши хавфи бор. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

DEVCON хусусий корхонасининг амалдаги думалоқ муҳри йўқолгани сабаб бекор қилинади.

Реклама ва эълонлар

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖнинг "Тошкент вилояти ҳудудий электр тармоқлари" АЖ давлат ва шартномавий хизматларни кўрсатиш лавозимларига фуқароларни ишга қабул қилади ҳамда номзодларга қуйидаги талаблар қўйилади:

Олий энергетика ёки техника маълумотига эга, ёши 22 дан 40 ёшгача бўлган; Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

Ишга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. "Тошкент ҲЭТК" АЖ ходимлар бўлимига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда жамият томонидан юритилади);
5. Кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
6. Яшаш манзилидан маълумотнома;
7. Охирги иш ёки ўқиш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
8. 3х4 шаклдаги 8 дона расм;
9. Диплом (нусхаси билан)
10. Ҳарбий гувоҳнома.

Ишга киришни хоҳловчи фуқаролар ўзбек ва рус тилларини билишлари лозим. Ишга кириш масаласида "Тошкент ҲЭТК" АЖ "Ходимлар билан ишлаш бўлими"га мурожаат этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қумовул ҚФЙ, Яшил водий кўчаси, 42-44-уй. (Мўлжал: Маданият саройи). Телефон: (78) 150-27-94.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси архивида сақлаш муддати тугаган, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлмаган ҳужжатларни йўқ қилиш учун қоғозни қайта ишлаш (макулатура)га топширишда корхоналар ўртасида танлов ўтказилади.

Диққат! Диққат! Диққат! Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси сотиладиган давлат активлари бўйича электрон онлайн очиқ аукцион (www.e-auksion.uz) савдоларига таклиф этади.

Электрон онлайн очиқ аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

№	Давлат объекти номи	Объект манзили	Балансда сақловчи	Объектнинг (шаклланган) сотиш қиймати (сўм ва фоиз кўриниши)
1	Трактор паркининг омборхона биноси, бостирмаси билан	Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти	2 502 278 192,00
2	2 қаватли маъмурий бино, ертўла ва бостирмаси билан	Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти	6 426 032 224,00
3	Иссиқлик мажмуаси	Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Шодлик" маҳалласи	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти	2 415 897 687,00

Электрон онлайн-аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Электрон онлайн-аукцион савдолари 2020 йил 10 февралдан бошлаб, объектнинг жойлаштирилиши кунига қараб ҳар 30 кун муддатда соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади.

Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auksion.uz сайтлари орқали олиш мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100072, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.

Маълумот учун телефон: (71) 230-34-80.
E-mail: toshvil@davaktiv.uz
Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.davaktiv.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат активларини бошқариш агентлиги (0-371) 259-21-37 ёки Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (95) 534-80-10 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

ҲАЁТИ ИБРАТ, СЎЗЛАРИ ҲИКМАТ

Янгийўл туманидаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида 94 ёшни қарши олган Ортиқали ота Нишонбоев истиқомат қилади. Отахонни маҳаллада барча ҳурмат қилади, мардлиги, ҳаллоллигига ҳавас қилишади.

«Тошкент ҳақиқати» йўқлови

Ортиқали ота умри давомида не-не қийинчиликлар ва ҳаёт синовларини бошдан кечирди. Унинг навқирон ёшлик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Даҳшатли уруш майдонларидаги қонли жангларда қатнашди. Урушдан кейин қишлоғига қайтиб, колхозда ишлади. Ҳалол меҳнат қилиб, 6 фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Ҳозирда невара ва чеваралари бағрида умргузаронлик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда Ортиқали ота сингари мўътабар қарияларимизнинг улкан хизматлари бор. Шу боис, шундай фараҳбахш кунларга етиб келишимиз замирида уларнинг беқиёс заҳматлари ётганини ҳамиша ёдда сақлашимиз ҳам қарз ҳам фарздир. Қўлимиздан келганича уларни эъзозлаб, дуоларини олсак, инсоний бурчимизни бажарган бўламиз.

Мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини ҳар томонлама қадрлаш ва уларга муносиб турмуш шароитлари яратиб бериш борасида жуда катта хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам бу борада алоҳида тўхталинди.

Жумладан, "Бизнинг мард, енгилмас ва олижаноб халқимиз буюк Ғалабани таъминлашга беқиёс ҳисса қўшгани билан барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Бу қонли урушда жами 1,5 миллиондан зиёд Ўзбекистон фарзандлари тинчлик ва озодлик учун мардона жанг қилгани, уларнинг ҳар уч нафаридан бири ўз яқинлари бағрига қайтмагани, эл-юртимизнинг фронт ортида кўрсатган жасоратини халқимиз ҳеч қачон унутмайди", дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

– Юртбошимиз томонидан бизларга кўрсатилаётган юксак эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда, – дейди Ортиқали ота. – Бундай иззат-ҳурмат одамни яшашга бўлган умидини янада кучайтирар экан. Айниқса, невараларимнинг ўртоқларига: "Бобом жаҳон урушида қатнашганлар", деб фахр билан гапирганини эшитганимда, умрим беҳуда ўтмаганини ҳис қиламан.

Отахон доимо фарзанд ва набираларини ҳалол меҳнат қилишга, ҳар қандай ҳаёт синовларини сабр билан енгишга ундайди, шунингдек, Ватанни севиш, унинг тараққиёти учун хизмат қилиш кераклигини таъкидлайди.

Зуҳриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

Мансур ҲИММАТОВ олган сурат

ЗУЛМАТДА ҚОЛ(АЁТ)ҒАН ЗИЁ

Дарҳақиқат, қани ўша кутубхоналар? Бу саволга жавоб беришга ким қодир? Жавоб бергувчи ўша мард қаерда? Йўқ, аслида бу – жумбоқ! Ҳа, жумбоқ! Ечими йўқ жумбоқ...

Шахсан ўзим шу чоққача китоб ўқиб, сира кам бўлганим йўқ, кам бўлган кимсаниям кўрмадим. Тенгқурларимиу укасингилларимни ўзига ром этиб, дидсиз, ҳиссиз қилиб қўяётган телефон, деб аталмиш матоҳ бўлади. XXI аср ихтиросининг қулайликларини заррача рад этмай айта оламанки, бу матоҳ бизни бир-биримиздан айираяпти. Ота билан ўғил, она билан бола, эту тирноқдек жигарлар орасига кўринмас девор ураяпти. Бу девор шувалиб, осмонўпар бўлганда, ҳозирги сингилни опасига пичоқ уриши, ўғилнинг падаркуш бўлишию, онанинг бир парча этни – юрагининг бир бўлагини ахлатхонага ташлаб кетиши кундалик ҳолатданда одатий тус олмаса эди, Худо кўрсатмасин!

Ўсмир бир суткалик умрининг 6-8 соатини, шубҳасиз, телефонга бахшида қилаяпти. Ўспирин шунга сарф бўлган вақтининг, жилла қурса, чорагини мутолаа билан, унинг илоҳий қувватидан баҳра олиш билан ўтказса, қандай гўзал иш бўларди?!

Тан олиб айтиш керак, сўнгги пайтларда китобга, китоб ўқишга эътибор бир озгина бўлса-да, ортган эди, ангренлик Отабек Бакиров баён қилганидек, тизимга жон киргандек бўлганди...

Қилинаётган ишда мунтазамлик бўлиши лозим. Аниқ натижа керакми, демак, мунтазам иш олиб бориш шарт. Ҳар бир иш аниқ механизм асосида мунтазам амалга оширилмагунча ривожланиш бўлмайди, натижага эришилмайди. Биз китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ўстирмоқчимизми? Демак, иш мунтазамлик касб этиши шарт!

Оч қоринга мия яхши ишламайди, деган иборани эшитган чиқарсиз, балки. Ўша гапда жон бор. Қорнингиз тўйсагина, мусиқа қулоққа ёқади; қорнингиз тўқ бўлсагина томоша кўнглингизга сиғади; тўқ қорингагина китоб ўқилишиниям ёдда сақлаш керак.

2020 йилнинг 1 январидан китоб савдоси ва ноширлик хизматлари учун қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) жорий этилди. Бу ўз-ўзидан китобларнинг нархини ошириши турган гап. Ё китоб савдогарлари зарарга ишлайверадиларми?

Аслан қараганда, китоб бебаҳо. Бироқ, бозор иқтисодиёти деган тушунча турмушимизда ўрнини шундай эгаллаб олганки, у билан ҳисоблашишга мажбурмиз. Шу туришдаям китобларимизнинг баҳоси чўнтакбоп эмасди. Буниси эса ўлганнинг устидан тепгандек бўлди.

Ҳай, солиқчилар, бир оғиз таклиф киритиб, яна бирон йил омон бўлгур бу китобларни ҚҚСдан озод қилиб турингглар. Ўзбекистондаги китобхонлар сизни дуо қилишади.

Истаймизми, йўқми, бизга китоб керак! Айни дамда эса биз китобга керакмиз. Тағин фурсат ўтиб, аттанг қилиб юрмайлик. Унда анча кеч бўлади. Зулматда қолган бўламиз...

Отабек ИСРОИЛОВ, талаба

Аброр ЭСОНОВ олган сурат

Бошланиши 1-бетда

Кўргазма

Президентимизнинг 5 та ташаббуси асосида Республика Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари томонидан ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб "Ўзбекистон манзаралари" акцияси ўтказилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МАНЗАРАЛАРИ

Акцияни ўтказишдан кўзланган мақсад – амалий санъат усталари ва рассомлар иштирокида юртимизнинг манзарали жойларида пленерлар ташкил этилиб, табиат гўзалликларини тасвирлаш ва яратилган асарларни туризмни ривожлантириш бўйича нашр этиладиган альбом учун тавсия этишдан иборат.

Республика Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида ташкил этилган экспозицияси 2019 йил якунига бағишланган ҳисоботдир.

Кўргазмада Дилором Мамедова, Абдуҳаким Каримов, Дилмурод Йўлдошев, Валерий Енин ва Виктория Трошина каби таниқли рассомлар билан бир қаторда кўплаб иқтидорли ёш ижодкорлар ҳам қатнашмоқда.

Намойиш этилаётган асарлар орасида Тошкент вилоятининг бетакрор табиат манзаралари акс эттирилган суратларга ҳам кенг ўрин берилган. Жумладан, "Илк янги йил тонги. Чимён", "Тонгги шаббода. Чирчиқ", "Чимён: куз ва қиш бирлашуви", "Қиш манзараси", "Ёмғирдан сўнг", "Қиш таровати", "Булутлар", "Зилол сув", "Оқтошда баҳор", "Қишда Чорбоғ", "Хумсон", "Бурчмулла", "Тоғ манзараси. Чорбоғ" каби санъат асарлари томошабинни табиатга янада яқинлаштиради, унга завқ бағишлайди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ШУКРОНАЛИК САОДАТИ

Ёшим 90 га яқинлашиб қолди. Умрим давомида кўп талатўпларни кўрдим. Шукр, шундай дориламон замонда яшаш ҳам насиб қилди.

Бизга ёзадилар

Куни кеча ойнаи жаҳон орқали Президентимизнинг Мурожаатномасини кўриб, эшитдим. Тинглаяпману, халқим, маҳаллам, яқинларим учун севиндим. Ундаги сўзлардан таъсирланиб, набирам билан ушбу мактубни ёзишга жазм қилдик.

Мурожаатномада инсонларнинг яхши яшаши учун хизмат қилиши керак бўлган ҳар бир соҳа қамраб олинган, муаммолар ечимига жавоб топилган. Ҳар доимгидек биз, кекса авлод вакилларини ҳам унутмай: "Жорий йилда кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш зарур. Бу тоифа учун ажратилаётган ижтимоий тўловлар миқдори ҳам қайта кўриб чиқилиши керак. Биз уруш ва фронт орти фахрийларини фақатгина байрамларда эмас, балки доимо эъзозлаб, ардоқлашимиз, уларни соғлиги ҳақида ҳар куни, ҳар соатда ўйлашимиз лозим. Жумладан, мамлакатимизнинг энг яхши санаторийларида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратамиз", дея таъкидладилар.

Дарҳақиқат, биз доимий эътибор ва эъзоздамиз. Йил сайин пенсияларимиз ошмоқда, муҳими, ҳар ой вақтида келтириб беришади. Маҳаллий шифокору ҳамширалар мунтазам равишда ҳолимиздан хабар олишади, керакли муолажаларни қилишади. Каттаю кичик ҳурматимизни жойига қўяди. Бир инсон учун бундан ортиқ яна нима керак?!

Аминжон ҚОДИРОВ

Зангиота тумани

Талаба кундалигидан

Университетда ўқийман, ёшим йигирма бирда. Интернет асри эмасми, ижтимоий тармоқлардаги фикрларни ўқиб тураман. Катталар шикоят қилишади: "Ёшлар қаёққа қараб кетаяпти?"

КАТТАЛАРГА саволим бор

Ёшлар деганда университет, коллеж, мактабларда ўқийдиган талаба ва ўқувчилар назарда тутилса керак, ҳар ҳолда. Мен ўша сиз қаёққа қараб кетаётганини билишни истаган гуруҳнинг бир аъзосиман.

Аҳолимизни икки гуруҳ: ёшлар ва катталарга ажратар экансиз, сиз катталарга ҳам саволларим бор.

Ёшлар қаёққа қараб кетаяпти, дейиш ўрнига, катталарнинг қаерда тургани билан қизиқиб кўрдингизми?

Бизда юз мингларча ўқувчи тестдан бир савол кўпроқ ечиш учун тирсак чиритаркан, кимлардир синов саволлари билан бирга ёшларнинг ҳаётини ҳам ўғирлайди ва... келажагини чиритади.

Университетга киришни кимошди савдосига айлантирган порахўрлар катталар эмасми? Ё пора эвазига чўнтак қаппайтириш коллежи ўқувчиларими улар?

Болахонадор қилиб сўкинаётган, фермерларни ариқ-қа тушириб, тош кўтартирган амалдорлар қайси мактаб ўқувчилари эди?

Миллатнинг юзига тик қараб ёлғон ваъдалар берадиган депутатлар қайси университетда таҳсил олади?

Санъатчиман, дея ҳар турли ахлоқсизликни қилаётганлар ўсмирлик даврини яшаяптими? Киноларда 7 ёшдан катталар учун олинган фильмларда бел устига чиқа олмаганлар нечанчи йилда туғилган?

Бизга таълим бериши керак бўлган ўқитувчиларга кўча супуртириб, пахта теришга, уй қуришга жўнатган биз, ўқувчилар эмасдик...

Сиз, катталар бу ўлканинг бугунисиз. Биз, ёшлар эса эртаси. Сиз яшаётган кунингизни қутқаришга қурбингиз етмаса... эртани биз қандай қутқарамиз?!

Кимнинг қўли кимнинг чўнтагида эканлиги номаълум, ахлоқсиз муносабатларга тўла бўлган сериаллар билан миямизни тўлдириб пул ишлаётган ҳам Сиз, катталар эмасми?!

Телеканаллар бир-бирига хиёнат қилганлар ҳақидаги сериаллар билан тўлиб тошган. Маърифат кўрсатувларида эса Сиз, катталар чиқиб олиб, оила муқаддас, дейсиз яна...

Ёшман, аммо сизга айтадиган бир гапим бор.

Биз янги авлодмиз ва оппоқ қоғозмиз. Сиз бу қоғозни нима билан тўлдираяпсиз? Аждодларимиз, қадриятларимиз, тилимизни унуттириш биланми? Даврнинг келганда қандингни уриб қол, деган ақида биланми?

Муаммо кимда? Ёшлардами ёки катталарда?

Биз кимдан ўрнак олайлик?

Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ, талаба

Шанба табассуми

– Юзингга нима қилди?

– Кеча спорт залга боргандим...

– Спорт залнинг нима аҳамияти бор? Юзингга нима бўлди, деяпман?

– Спорт залда битта качок штангани қўлидан тушириб юборди...

– Юзинггами?

– Йўқ, оёғига...

– Юзингга нима бўлди?

– Юзим унинг устидан кулди...

* * *

ДАН ходими 10 белгиси олдида 41 км/соат тезликда Запорожец миниб кетаётган отахонни тўхтатди:

– Чурррр!

– Отахон тезликни оширдингиз. Штраф тўлайсиз!

– Болам қўйвор, пулим йўқ!

– Бўлмаса правангизни оламан! – деб тортишиб турган экан, битта иномарка учиб ўтиб қолибди.

ДАН ходими:

– Чурррр!

Иномаркадан бир барзанги чиқиб келиб, дўқ урибди:

– Ким ҳозир ҳуштак чалди?

Инспекторнинг ранги "дока", дами ичига тушиб кетган.

– Бер правамни, бўлмаса ким чалганини айтаман! – дермиш қария.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги офисимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-65-59, (71) 233-54-10
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz //// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ

Буюртма Г-243. Баҳоси келишилган нархда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 11 830 нусхада чоп этилди ISSN 2010-9318.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 22.00. 1 2 3 4 5 6